



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

№ 33
(953)
2025 йил
21 август,
Пайшанба

Ижтимоий-сиёсий газета

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 34 йиллигига

Ер юзида бугун 250 дан ортиқ давлат, 8 миллиарддан кўпроқ инсон ва 7000 дан зиёд тил ва лаҳжада сўзлашувчи халқлар истиқомат қилмоқда. Бу ҳайратомуз сонлар нафақат инсониятнинг кўлами ва хилма-хиллигини, балки ҳар бир халқнинг ўзига хос қадрият, маданият ва тарихий мерос эгаси эканини ҳам билдиради. Дунё этник харитасида ҳозирда 2000 га яқин миллат ва элатлар мавжуд бўлиб, уларнинг баъзилари юз миллионлаб кишини, бошқалари эса атиги бир неча минг нафар аҳолига эга. Бироқ уларнинг ҳар бири инсоният тамаддунининг ажралмас бўлаги саналади.



ВАТАН, МИЛЛАТ ВА ХАЛҚ УЙҒУНЛИГИ

Ана шу ранг-баранглик орасида миллий ўзликни асраш, аجدодлардан мерос бўлган урф-одат, тил, эътиқод ва қадриятларни авлоддан-авлодга етказиш – ҳар бир жамият олдидаги долзарб масалага айланган. Шу жиҳатдан қаралганда, ҳар қандай халқнинг энг муқаддас туйғуларидан бири – бу Ватанга бўлган муҳаббатдир. Ватансиз одам – илдизсиз дарахт мисолидир. У қарга борганда ҳам, қандай тил, динга мансуб бўлишидан қатъи назар, болалигидаги хотиралар, она тилидаги биринчи сўзлар, мактаб йўлагидagi муаллимнинг овози – булар барибир уни туғилиб ўсган заминига боғлаб туради.

Бугунги кунда янги тараққиёт босқичига қадам қўйган Ўзбекис-

тон жамиятида Ватан, Миллат ва Халқ тушунчалари ўзаро уйғунликда янги маъно касб этмоқда. “Янги Ўзбекистон” ғояси – бу фақатгина ислохотлар ёки иқтисодий ривожланиш эмас, балки халқнинг ўзлигини асраш, миллий қадриятларни авайлаш ва уларни замон талаблари билан уйғунлаштириш жараёнидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 июлда “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Мустақилликнинг 34 йиллигига бағишланган байрам тадбирлари “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган ғояни ўзида мужассам

этган ҳолда нишонланишининг замирида чуқур маъно ётганини барчамиз яхши ҳис этиб турибмиз.

Бугун глобаллашув туфайли дунё “кичик қишлоқ”қа айланиб бормоқда. Интернет, сунъий интеллект ва рақамли ахборот оқими инсон онгига янги қарашлар, янги ёндашувлар олиб келмоқда. Бундай вазиятда, айниқса ёш авлод қалбида Ватанга, миллатга, халқига, ўз тарихий илдизларига садоқатни кучайтириш – давлат сиёсатининг марказий вазифаларидан бирига айланган.

Ватан деган тушунча, ватан фақат географик ҳудуд эмас. У – тарих, маданият, ор-номус, ота-оналар дуоси, маҳалла ифтихори, болалик эсдаликлари, маҳзун ва шод онларнинг уйғунлашган ёдгорлиги-

дир. Ватан – бу аجدодлар жасорати, уларнинг меҳнати, машаққатлари билан йўғрилган замин. Ватан – бу инсон ўзини эркин ва бахтли ҳис қиладиган макон.

Машҳур файласуф Франциск Скорина шундай деган эди: “Қўлда ўрмалаб юрган жониворлар ҳам туғилишиданоқ ўз маконларини биладилар, ҳавода учувчи кушлар ҳам, денгиз ва дарёлардаги балиқлар ҳам ўз ошёнларини ҳис қиладилар... одамлар ҳам қаерда туғилиб парвариш топсалар, ўша жойга чексиз меҳр қўйган бўладилар.” Бу сўзлар одам ва Ватан ўртасидаги боғлиқликни ҳайвонот оламига қиёслаган ҳолда, табиатнинг ўзи инсонни ўз юрти билан боғлаб қўйишини англатади.

(Давоми 2-саҳифада)

ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИНИНГ ЎЗБЕКЧА ИФОДАСИ

Яна саноқли кунлардан кейин Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллиги санаси кенг нишонланади. Ҳар йили ушбу сана инсонни фикр қилиш ва сарҳисобга ундайди. Бир қарашда 34 йил бу бир инсоннинг туғилиб вояга етиши ва айни кучга тўлган давридек қисқа муддат бўлиб кўринади.

Аммо, ўтган вақт давомида юртимизда барча соҳа ва тармоқларда кенг қўлмалли ишлар амалга оширилди. Қувонарлиси, ушбу ютуқларнинг барчасини сиз-у биз ўз ҳаётимиз мисолида кўриб, ҳис қилиб яшайпмиз. Хусусан, ижтимоий соҳа саналган аҳоли саломатлиги, таълим сифати, ижтимоий тенглик ва барқарорлик каби йўналишларда мустақиллик йилларида қатор муҳим ютуқлар қўлга киритилди.

(Давоми 3-саҳифада)

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ – ДОИМИЙ НАЗОРАТИМИЗДА

Тошкент вилояти Камбагалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси томонидан 2024 ва 2025-йиллар учун меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш қонунчилигига риоя этилишига ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг келиб чиқишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тасдиқланган.

Ушбу чора-тадбирлар асосида Давлат меҳнат инспексияси томонидан 38 та корхона, муассаса ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда мутахассислари, айниқса, тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, бахтсиз ҳодисалар кўп содир бўлган тармоқлар билан меҳнат муҳофазаси, ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси, иш берувчинининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугуртаси масалалари мавзусида семинарлар ўтказилган ва уларга ушбу йўналиш бўйича амалий ёрдамлар берилган.

(Давоми 4-саҳифада)

ВАТАН, МИЛЛАТ ВА ХАЛҚ УЙҒУНЛИГИ



(Боши 1-саҳифада)

Буни биргина сўнгги саккиз йилликда эришилган натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу даврда ижтимоий сиёсат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида шаклланди. Давлат раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинаётган кенг қамровли дастур ва ислохотлар инсон кадрини эъозлаш, унинг фаровон ҳаёт кечиришига замин яратишга қаратилган. Айниқса, камбағал оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бу соҳадаги давлат сиёсатининг тизимли, кенг қамровли ва инклюзив хусусиятга эга эканини кўрсатади.

Буюк аллома Алишер Навоий ҳазратларининг куйидаги сўзи она-Ватанини севувчи садоқатли ҳар бир кишининг қалбида ғайрат ва шижоат уйғотади:

**Ватан таркини бир нафас айлама,
Ани ранжи – гурбат, ҳавас айлама.**

Садриддин Салим Бухорийнинг “Буюк Хоразмийлар” китобида қайд этилишича, Паҳлавон Маҳмуд ҳинд халқи томонида туриб, Ҳиндистон душманларига қарши жангда иштирок этади. Жанг пайти жонини хатарга қўйиб бўлса-да, ҳинд шоҳи Рай Чўпани ўлимдан қутқаради. Шунда шоҳ Паҳлавон Маҳмуднинг бемисл жасорати, мардлигини муносиб тақдирламоқчи бўлиб: “Тила тилагингни!” дейди.

Паҳлавон Маҳмуд: “Эй буюк шоҳ! Бундан анча йиллар муқаддам ватандошларим – хоразмийлар бу ерга асир қилиб олиб келинган. Ўшаларни озод этсангиз. Бирдан-бир тилагим шу!” дейди. Шоҳ ҳайрон бўлиб: “Эй ҳиммати баланд паҳлавон! Агар ярим давлатимни тилаганингда эди, уни гап-сўзсиз сенга инъом қилган бўлурдим. Агар соҳибжамол қизимни никоҳингга олмоқни сўраганингда эди, сени ўзимга куёв этиб, тожу тахтимни сенга бағишлаган бўлардим. Зеро, жасоратинг улкан мукофотга муносиб. Майли, тилагингни бажо келтирдим. Ватандошларинг озод! Уларни Хоразмга боргунларича озик-овқат, кийим-бош, улов билан таъминлашни ҳам буюраман!” дейди.

Бу мисоллар инсон қалбидаги ватан ва ватанпарварлик туйғуси

нафақат ғурур, балки жасорат, фидойилик, сабр, бағрикенглик каби юксак фазилатларни уйғотади. Айнан ана шундай фазилатлар уйғунлашган халқгина тарихда мустақкам ўрин эгаллайди, ҳар қандай глобал муҳитда ўзини йўқотмайди, ўзлигини асрайди, ўз келажагини ўзи куради.

Янги Ўзбекистонда ҳар бир миллат ва элатнинг тили, маданияти ва анъаналарига ҳурмат билан қаралиши – давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири. Миллатнинг бирдамлиги – жамиятдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолатидир.

Буюк аجدодларимизнинг бой маданият ва маърифат булоқларидан баҳраманд бўлган халқимиз нафақат миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик балки дину диёнат, иймон-этикод, одоб-ахлоқ, меҳр-мурувват, фарзанд тарбияси, ота-она ҳурмати борасида ҳам ўзига хос кенглик, саховат ва мўътадиллик тамойилларига амал қилиб келмоқда. Мамлакатимиз тарихан кўп миллатли ўлка бўлганлиги туфайли бу заминда турли-туман дин вакиллариининг эмин-эркин яшашлари учун барча шароитлар яратилганлиги юртимизда бағрикенглик тамойили нақадар аҳамиятли эканлигидан далолат беради.

Ҳозирги кунда юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари 16 та диний конфессияга эътикод қилиб яшаб келмоқда. Мамлакатимиз давлат таълим муассасаларида дарс етти тилда олиб борилади. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси кўрсатувлари жами ўн икки тилда намоёйиш этилади, ўндан ортиқ тилда газета, журнал чоп этиляпти. Маданият вазирлиги ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси қошида 156 та миллий маданий марказ фаолият кўрсатади. Бундан ташқари юртимизда 16 та диний конфессияга тегишли 2300 га яқин диний ташкилот мавжуд.

Конституциямизда белгиланган “ҳар бир фуқаронинг тенглиги” принципи асосланади.

XXI асрда миллатлараро бағрикенглик ва тотувликни сақлаб қолган давлатлар сони бармоқ билан санарли бўлиб қолаётган бир пайтда, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибаси кўплаб халқаро доираларда эътироф этилмоқда.

Янги Ўзбекистон – халқчил давлат.

“Халқ” тушунчаси энг кенг ижтимоий тушунча. Унда кўплаб миллат ва элат вакиллари, турли динларга эътикод қилувчилар, ҳар хил маданиятга эга инсонлар жамланади. Шунинг учун “халқ” тушунчаси – фуқаролик, бирдамлик ва ҳамжиҳатликни англатади. У умумий манфаатлар, умумий мақсадлар асосида бирлашган инсонлар жамиятидир.

“Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси”нинг биринчи мақсадида “Инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” дейилган бўлиб, бунда “Янги Ўзбекистон – халқчил ва инсонпарвар давлат” ғоясини амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади ва “Инсон кадри учун” деган устувор тамойил тўлақонли рўёбга чиқарилиши назарда тутилган.

“Давлат халқ учун” тамойили янги давр Ўзбекистонининг бош мезонидир. Халқнинг хоҳиш-иродаси, унинг адолатли ҳаётга интилиши давлат сиёсатининг марказига қўйилди. Янги Ўзбекистонда халқнинг фаровонлиги – ҳар бир ислохотнинг бош мақсади сифатида белгиланган.

Иқтисодий жамият ҳаётининг танасига қиёс қилган Президент иқтисодий ислохотларимизнинг ўзак масаласи сифатида, амалий натижадорлик инсон манфаатлари ва яна инсоннинг эҳтиёжини қондириш эканлигини таъкидлади. 2030 йилга бориб Ўзбекистон жон бошига ҳисоблаганда аҳоли даромадлари ўртача кўрсаткичдан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин эгаллашига ишонч билдирди.

Мамлакатимизда 2026 йилгача камбағалликни 2 баробар қисқартириш кўзда тутилгани ҳам эътиборга молик. Бу эса доимий эътиборда бўлган уй-жой масаласини ҳал этиш, аҳолига қулай яшаш шароитларини яратишдир. Арзон уй-жойлар дастури масаласи ҳам муҳим. Сўнгги беш йилда 140 мингдан зиёд янги квартира ва якка тартибдаги уй-жойлар барпо этилгани ана шу ҳаракатнинг натижасидир.

Инсон капитали ривожланиши учун муҳим омил бу таълим-тарбиянинг сифати масаласидир. Шунинг учун ҳам улуг мақсадлар, қутлуғ ниятлар ифодаси бўлган Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш ҳам айнан шунга боғлиқ: замонавий илм ва тарбия. Келажак бунёдкори бўлган ёшларнинг тақдири юксак малакали муаллим, мураббий, профессор ўқитувчиларнинг, ҳақиқий зиёлиларнинг самарали фаолияти билан боғлиқлиги аниқ. Бу борада Президентимиз қайси соҳа ва жабҳа ходимлари билан учрашмасин, доим талаб этадиган “сифат, самара, натижа” тушунчаларининг моҳиятини очиш ва ўрганиш зарур.

Ўзбекистонда 2024/2025 ўқув йилида фаолият юритаётган умумтаълим муассасалари сони 10 943 тани ташкил этган бўлиб, Республика бўйича 6 776 333 нафар ўқувчи умумий ўрта таълимга қамраб олинган. Юқоридаги умумтаълим мактабларида 564,9 минг нафар ўқитувчи келажак ёшларига таълим бериб келмоқда.

2025 йилда 257 номдаги янги дарслик мажмуаларини яратиш режалаштирилган бўлиб, сўнгги беш-ўн йилда мактаблар учун янги авлод дарсликлари, электрон қўлланмалар, интерактив платформалар яратилиши Ўзбекистон таълим соҳасидаги жиддий ислохотларнинг амалий натижасидир.

Бугунги кунда Республикада жами 213 та олий таълим муассасаси мавжуд бўлиб, шундан 116 таси давлат, 67 таси нодавлат, 30 таси эса хорижий олий таълим муассасаси ҳисобланади. 2016 йилгача уларнинг сони 77 та эди. Ҳозирда 213 та олийгоҳда 1 млн 300 минг нафардан ошдиқ талаба таҳсил олмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, ўтган олти йил ичида республикада ёшларни олий таълимга қамраб олиш даражаси 9 фоиздан 38 фоизга ошган. 2026 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоизга етказилиши режалаштирилган.

Тиббиёт соҳасини чинакамига халқ дардига дармон бўладиган, юқори самара билан ишлайдиган тизимга айлантириш, тиббиётнинг бирламчи бўлини орқали тиббий профилактикага, оилавий шифокорлар ролини оширишга алоҳида эътибор қаратилиши ҳам аниқ муддао бўлади. Республикада Қорақалпоғистон ва вилоят, туман ва шаҳарларда ихтисослашган тиббий хизматлар қўлами кенгайтирилади, давлат тиббий суғурта тизими ишга туширилиб, маблағ аниқ беморга боғланган ҳолда ажратилиши йўлга қўйилади.

Бугунги замон биздан нафақат иқтисодий ислохотлар, балки ахлоқий ислохотларни ҳам талаб қилмоқда. Глобал дунёқараш, тез ўзгараётган ижтимоий фазо, рақамли муҳит ва сунъий интеллект даврида миллий ўзлик ва қадриятларни йўқотмаслик – ҳар бир халқ учун ҳал қилувчи синовдир. Бу синовдан фақат маънавий уйғунлик, ахлоқий иммунитет ва ижтимоий бирдамлик асосида ўтилади.


Бугун ҳар биримизнинг қалбимизда шу шиор яшаши керак:

“Ватан учун яшайман, Миллат учун курашаман, Халқ учун хизмат қиламан!”

Фақат шундагина биз келажакда янада кучли, обод ва фаровон Ўзбекистонни барпо эта оламиз.

Б. ҚОДИРОВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи

ТАРАҚҚИЁТ МОДЕЛИНИНГ ЎЗБЕКЧА ИФОДАСИ



(Боши 1-саҳифада)

Қолаверса, бу йўналишда камбағалликни қисқартириш масаласи нафақат ижтимоий, балки иқтисодий барқарорликни таъминлашда ҳам ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шу боис, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури доирасида қатор комплекс чоралар амалга оширилмоқда.

Камбағал оилаларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳолатига қараб уч тоифага ажратиш орқали манзилли ёрдам тизими йўлга қўйилди. Бугунги кунда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари орқали 12 тоифадаги муҳтож инсонларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизмат ва ёрдам турлари кўрсатилмоқда. Бунинг учун муассасаларда замонавий шароитлар яратилган. Мурожаатларни қабул қилиш, эҳтиёжни баҳолаш, хизматни белгилаш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари инсонларга қулай тарзда йўлга қўйилган.

Энг муҳими, эндиликда вазифа бир марта ёрдам билан тугамайди. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчининг кейинги ҳолати, ўзини ўнглаши ҳам мониторинг қилиб борилади. Мазкур барча жараёнлар рақамлаштирилган ва дахлдор ташкилотлар билан боғланган.

Шунингдек, “Камбағал оилалар реестри”нинг яратилиши ва уни қонун даражасида расмийлаштирилиши тизимнинг шаффофлиги ва адолатлилигини таъминлайди. Қолаверса, ҳар бир камбағал оила учун индивидуал ривожланиш режаси ишлаб чиқилиб, меҳнат бозорида фаол бўлиши учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу орқали нафақат ижтимоий ҳимоя, балки инсонни камбағалликдан чиқаришга қаратилган устувор ва барқарор ёндашув шакллантириляпти.

Юқорида айтиб ўтганимдек, ижтимоий соҳадаги ислохотлар негизида таълим тизми муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ёш авлоднинг таълим олиши, ривожланиши ва ўз салоҳиятини тўлиқ намоён этиши учун тенг имкониятларни яратиш камбағалликни авлоддан-авлодга ўтишининг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу боис, камбағал оила фарзандлари мактабдаги узайтирилган кун гуруҳлари учун тўловдан озод этилди. Аъло баҳога ўқийдиган болалар учун бепул оромгоҳлар, дам олиш масканлари ташкил этилиб, олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган аълочи талаба-қизларга базавий стипендиянинг 2 баравари миқдорида махсус стипендия берилиши жорий қилинди. Бу орқали таълимга қизиқишни ошириш, ижтимоий адо-

латни таъминлаш ва келажақда билимли мутахассисларни етиштириш учун мустаҳкам пойдевор яратилмоқда.

Сир эмас, мустақиллик йилларида ижтимоий соҳадаги яна бир муҳим йўналиш ногиронлиги бўлган фуқаролар учун инклюзив жамият барпо этиш ҳам давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бирига айлан-ди. Уларни иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга ўқитиш ва ҳаётда фаол иштирокини таъминлаш мақсадида бундай фуқароларни ишга олган енгил саноат корхоналари учун солиқ имтиёзлари, ижтимоий солиқнинг пайсантирилиши, субсидиялар ажратиш каби шароитлар яратилган.

Хусусан, электрон савдо майдончаси орқали ногиронлиги бор шахслар маҳсулотларини харид қилиш ҳажми оширилди, бу уларнинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиради. Техникумларда инклюзив таълим гуруҳлари ташкил қилиниши эса уларнинг замонавий касбларга эга бўлишига хизмат қилади. Шу билан бирга, бундай фуқароларнинг ҳуқуқий ва психологик жиҳатдан ҳимоя қилиниши ҳам давлат сиёсатининг бир қисми сифатида қаралмоқда.

Жумладан, ўзгалар парваришига муҳтож фуқаролар учун жорий этилган “Фаол ҳаётга қадам” дастури бугунги куннинг долзарб ижтимоий ташаббусларидан биридир. Уйда ёр-

дам кўрсатиш, кундузги қараш марказлари, тиббий-ижтимоий хизматлар, реабилитация ишлари, турмуш шароитига мослаштириш. Мутахассислар томонидан парвариш, овқат тайёрлаш, дори-дармон қабулини назорат қилиш, юриш-қадамни тиклашга қаратилган хизматлар ташкил этилган. Бу хизматлар нафақат ижтимоий адолатни таъминлаш, балки бундай фуқароларнинг ҳаётга қайтиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, сўнгги йилларда ижтимоий соҳада амалга оширилган ислохотлар сабаб Ўзбекистон бутун дунё учун ижтимоий давлат концепциясининг амалдаги ёрқин ифодасига айланди. Камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш, ногиронлиги бор инсонлар учун инклюзив муҳит яратиш, ижтимоий хизматларни кенгайтириш каби ташаббуслар инсон қадрини улуғлаш, барчани қамраб олган тараққиёт моделини яратишга қаратилган муҳим ҳаракатдир. Бу орқали, юртимизда барча қатлам фуқароларининг ҳаёти сифат жиҳатдан ўзгариб, “ҳеч ким эътибордан четда қолмайдиган жамият”га асос солинмоқда.

Гулнораҳон АБДУВОҲИДОВА,
Қонунчилик палатасининг
Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий масалалар қўмитаси
аъзоси

МУАЛЛИМНИНГ БОЙЛИГИ

Мабодо йўлингиз Касби туманидаги Қатағон қишлоғига тушгудек бўлса, кекса-ю, ёш меҳмонни аввало, Президентимиз эътирофига сазовор бўлган Холбой ота кутубхонасига бошлайди. Йўл-йўлакай Холбой муаллим ҳақидаги маълумотга ҳам эга бўласиз.

Холбой Хонкулов Қарши шаҳридаги педагогика техникумида таҳсил олгач, бир муддат мактабда ўқитувчилик қилди. Олий маълумотли ўқитувчи бўлиш ниятида 1959-1964 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети (Ўзбекистон миллий университети)нинг филология факультетида ўқиди.

Ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанларидан сабоқ берди. Узоқ йиллар мактаб директори бўлиб ишлади. Бор билим ва тажрибасини ёшларга илм ўргатишга сарфлади. Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Холбой муаллим нафақага чиққандан кейин ҳам одамларга зиё улашиш, ўғил-қизларни илм-фанга, маърифатга ундаш ғояси асло тинчлик бермади.

Ёшлар таълим – тарбиясида китобларнинг, айниқса, бадий асарларнинг таъсири катта эканлигини бот-бот такрорлайдиган устоз муаллим ўзи туғилиб истиқомат қилаётган қишлоқда шахсий маблағи ҳисобидан “Ёшлар маркази”ни қуриш ва унда кутубхона ахборот-ресурс маркази, қироатхона, компьютер саводхонлиги хонаси ва бошқа турдаги ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган машғулотлар билан шуғулланиши учун қулай шароитлар яратишга аҳд қилди.

“Ёшлар маркази” учун ер майдони ажратилди. Холбой муаллимга умр йўлдоши Бўстон момо,

фарзандлари Улуғбек, Ҳамид, Нодира, Райҳон, Нарғиза ва Насиба камарбаста бўлишди. Оила жамғармасидан дастлаб 10 минг китоб “Ёшлар маркази” кутубхонасига келтирилди. Газета ва журналлар сотиб олинди. Холбой муаллим ўз маблағи ҳисобидан 2 мингдан ортиқ ўзбек ва жаҳон адабиётининг сара асарларини олиб қўшни Оқжангал қишлоғидаги 24-умумтаълим мактабига ҳамда Майманок саноат касб-ҳунар коллежи (ҳозирги техникум) ўқувчиларига тақдим этди.

– Кутубхонамизга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан китоблар совға қилинди. Китоб фондимишни бойитишда педагогика фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Қуронов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Жаббор Раззоқов, адабиётшунос олим Шухрат Ризаев ва бошқа зиёлилар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди, – дейди “Шўртангаз кимё мажмуаси” МЖЧ Мурожаатлар билан ишлаш ва ижро назорати хизмати бошлиғи, “Ахборот кутубхона аълочиси” кўкрак нишони соҳиби Улуғбек Хонкулов.



Устоз-мураббийлар ташаббуси билан ташкил этилаётган “Асрлар оша бардавом маънавият хазинаси”, “Адабиёт ва замон”, “Болага китоб беринг” мавзусидаги маънавий-маърифий тадбирлар нафақат катта ёшдаги, балки, мактаб ўқувчиларини ҳам китобларга, бадий асарларга бўлган қизиқишларини оширмоқда.

“Ёшлар маркази” ҳамиша гавжум. 20 мингдан ортиқ китоб фондига эга бўлган кутубхона жавонидан ўрин олган ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари эътиборни тортади. Ўқув залидаги ўттиздан ортиқ ўриндиқларда ўтириб бадий ва илмий-оммабоп асарлар мутолаасига берилган ёки замонавий компьютерлар, ноутбуклар имкониятларидан оқилона фойдаланаётган ўғил-қизларга қараб туриб Янги Ўзбекистонимизни дунёга танитадиган авлод орасида мана шу ёшлар ҳам борлигига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз.

Абдулла АЙИЗОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси



МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИ — ДОИМИЙ НАЗОРАТИМИЗДА

(Боши 1-саҳифада)

Бундан ташқари, Тошкент вилоятида жойлашган корхона ва ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилиниши юзасидан мониторинглар олиб борилди, аниқланган камчиликлар юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган ёзма кўрсатмалар расмийлаштирилган.

Шу билан бирга, 2024-2025 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни ижроси юзасидан, Давлат статистика бошқармалари маълумотида асосан Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган корхона ва ташкилотларда ўрганишлар ўтказилган.

Жумладан:

540 та корхона ва ташкилотларга чақирув қоғозлари тарқатилган бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминламаган корхона ва ташкилот мансабдор шахсларига нисбатан 127 та маъмурий баённомалари расмийлаштирилиб жазо чоралари қўлланилган.

2024 ва 2025-йил 7 ой давомида вилоятда 155 та бахтсиз ҳодисалар юз берган бўлиб улардан, 13 та гуруҳий, 55 та ўлим билан тугаган, 87 та оқибати оғир бахтсиз ҳодисалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997-йил 6-июндаги 286-сонли қарори билан тасдиқланган “Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида” ги Низом табиға кўра махсус текширилган (Юз берган ҳодисаларда 66 нафар ходим ҳалок бўлган, 117 нафар ходим оғир, 10 нафар ходим енгил жароҳатланган).

Ушбу бахтсиз ҳодисаларни махсус

текшириш давомида меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талабларини бажармаган шахслар аниқланиб, йиғилган материаллар ва ҳулосалар ички ишлар органларига юборилган.

Махсус текшириш жараёнида, меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилинмаган 1365 та ҳолатлари аниқланган ҳамда мазкур қонунбузарликлар юзасидан таъсир чоралари қўрилган.

Шунингдек, бахтсиз ҳодиса оқибатида меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга Ўзбекистон Республикаси “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунининг 33-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидалари” талаблари асосида 562 201 000 сўм миқдорида тоvon пуллари ундириб берилган.

Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари топшириғи бўйича 2470 та корхона ва ташкилотларда Ўзбекистон Республикасини Меҳнат кодекси, “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги, “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа меҳнат қонунчилиги талаблари бажарилиши юзасидан ўрганишлар ўтказилган.

Давлат меҳнат инспекцияси томонидан корхона ва ташкилотларда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар берилиши ўрганилганда 524 та субъектда ишчи-ходимлардан 33 млрд. 199 млн 161 минг сўм иш ҳақидан қарздорлик

ҳолатига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу қарздорликни ундириш бўйича инспекторлар томонидан 864 та даъво аризаси киритилиб 31 млрд. 709 млн. 825 минг сўм қарздорлик ундириб берилди, инспекция томонидан 168 та ташкилотга ёзма кўрсатма берилгандан сўнг ўз хоҳиши билан 26 млрд. 041 млн 915 минг сўм қарздорлик ундириб берилган.

Шунингдек, ташкилотларда ноҳақ ишдан бўшатиш ҳодимларни ишга тиклаш бўйича судларга 43 та даъво аризаси киритилиб, 37 та даъво ариза қаноатлантирилди (ишга тикланди), ишга қабул қилиш мажбуриятини юклаш бўйича 4 та даъво аризаси киритилиб ходимни ишга қабул қилинган.

Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекторлари томонидан бўш иш ўринларини аниқлаш борасида олиб борилган мониторинг натижасида бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотни тақдим этмаган 584 та корхона, бўшатилиши мўлжалланаётган ходимлар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этмаган 40 та корхоналар аниқланиб 521 та корхонада ўрганиш ўтказилди. Ўрганиш натижасида 385 та корхона 596 та бўш иш ўринларини яширганлиги маълум бўлди. Бўш иш ўринларини яшириб маълумот тақдим этмагани учун 600 нафар мансабдор шахслар 2 млрд 288 млн 725 минг сўм миқдорда маъмурий жаримага тортилган.

Туман (шаҳар) ҳокимларининг тегишли қарори билан 2024 ва 2025-йиллар учун 2617 та корхона ва ташкилотларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, инспекторлар томонидан ўрганиш ўтказилганида жорий йил 1 август ҳолатига квота иш ўрни яратмаган 8 та ташкилотга ёзма кўрсатма берилди, 4 та корхонага тақдимнома киритилди, 16 нафар мансаб-

дор шахсга 60 млн. сўм миқдорда маъмурий жарима солинган.

Меҳнат соҳасига оид қонунчилик талабларини тарғиб қилиш борасида вилоятдаги барча 22 та туман ва шаҳарлардаги ҳокимлик мажлислар залида корхона ва ташкилотлар раҳбарлари билан, Мактабгача ва мактаб таълими бўлимларида таълим ташкилотлари ходимлари билан, Тиббиёт бирлашмаларида соғлиқни сақлаш ташкилотлари ходимлари билан 289 марта семинарлар ўтказилди, 131 та тадбиркорлик субъектларида тушунтириш ишлари олиб борилиб меҳнат соҳасига оид 1496 та қўлланмалар тарқатилди, оммавий ахборот воситаларида жами 314 марта чиқишлар қилинган.

Давлат меҳнат инспекциясига 2024 ва 2025-йил 7 ойи давомида фуқаролардан 5046 та мурожаатлар келиб тушди, ушбу мурожаатларнинг 2687 таси қаноатлантирилди, 1551 таси бўйича тушунтириш берилди, 152 та мурожаат тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилди, 9 та мурожаат аноним, деб топилган.

2024 ва 2025-йил 7 ой мобайнида мажбурий меҳнатга оид 6 та мурожаат келиб тушди, мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича жойларда 263 марта ўрганишлар ўтказилган.

2024 ва 2025-йил 7 ой давомида 2132 та корхона ва ташкилотларда норасмий иш ўринларида банд бўлган 8644 нафар фуқаролар, шундан 757 нафар аёлларни расмий бандлиги таъминланган.

Маъруф ТАШКУЛОВ,
Тошкент вилояти Давлат меҳнат инспекцияси бошлиғи

БЛОГЕР БЎЛМА...



Жияним ҳали мактаб ўқувчиси, дастурлаш соҳасига жуда қизиқади ва шу бўйича курсларга қатнашидан ҳам хабарим бор. Онаси яқинда суҳбат жараёнида ўғлининг мақсадлари ўзгариб қолганини, энди дастурчи эмас, блогерликка қизиқаётганини айтиб қолди. Блогерликни ўргатадиган ўқув курсларига бораётган экан. Мен уни аниқлаштиришга ҳаракат қилдим - журналист бўлмоқчимми, десам, йўқ, журналист эмас, блогер бўлишни мақсад қилаётганини айтди. Ўғлининг айтишича, блогерлар яхши ва осон пул топар ва одамларга кўпроқ фойдаси тегар эмиш... Ана ҳолос!

Хафсалам пир бўлди, тўғриси! Дастурчи бўлса, ундан кўпроқ пул топади, дедим. Энг замонавий касб, у ҳали йўлнинг бошида, чуқурроқ ўрганиб соҳанинг эга-

си бўлса, келажакда ундан давлатмандроқ одам бўлмайди ва ҳаммага фойдаси тегади, дедим ва яна кўп нарсаларни айтдим...

Лекин айтганларимдан кўнглим тўлмади...рости!

Бугунги кунда блогерлик нафақат шахсий ижод, балки оммага таъсир ўтказиш воситасига айланиб улгурди. Кўпчилик ёшлар машҳур блогерларга ҳавас қилади. Тан олиб айтиш керак, кўпгина блогерлар жамият учун манфаатли маълумотларни тарқатишга интиломда, уларнинг саъй-ҳаракати билан жамиятимиздаги айрим муаммолар ўз ечимини топапти ёки баъзи муаммоларга масъулларнинг эътибори қаратиляпти. Аммо, афсуски, шундайлар ҳам борки, фаолияти давомида фактчекинг — яъни маълумотни текшириш жараёнини мутлақо инобатга олмайди. Дуч келган ё топган нарсасини текширмасдан оммага эълон қилиб юборади ва бу жараёнда эшитган мишмишларини ҳам тарқатиб юбораверадиган блогерлар (улар кўпинча обуначилар сонини ошириш мақсадида бу ишларни қиладилар!) жамиятга қай тарзда хавф солиши мумкин. Шунинг билан таҳлил қилишга уриниб кўраимиз.

Тасаввур қилинг: блогер ёки ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси ўз шахсий akkaунтида ёки профилида кандайдир воқеа ҳақида маълумотни тарқатди. Оқибатда, одамлар ишончли манбаларга эмас, айнан шу ёлғонга ишонади. Натижада жамиятда ишончсизлик муҳити шаклланади. Бу ишончсизлик, аввало, расмий идораларга, кейин эса бутун ахборот тизимига тарқалади. Оддий

мисол — COVID-19 даврида тарқалган сохта маълумотлар - вируснинг табиати, давоси, тарқалиши ҳақидаги хавфли ёлғонлар кенг тарқалди. Баъзилар бу пандемияни “биологик қурол” ёки 5G сигналлар билан боғлиқлиги ҳақидаги фитналар билан тарқатдилар. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (WHO) буни “infodemic” — “ахборот эпидемияси” деб атаган. Бу ҳолат маълумотларга бўлган ишонччи сусайтирди, оддий аҳолида тиббиёт мутахассислари ва хабар тарқатадиган каналларга нисбатан шубҳа уйғотди. Ёки бугун мамлакатимизнинг у ёки бу ҳудудларида турли сабабларга кўра юз бераётган ёнгинлар, ёқилги қуйиш шаҳобчаларида содир бўлаётган портлашлар ҳақида ўз саҳифаларида биринчилардан бўлиб хабар тарқатаётган блогерларнинг постларига бироз эътибор қаратинг — уларнинг “Тезкор”, “Дахшат” деган ҳештеглариининг ўзиёқ кишиларда, умуман аҳолида ваҳима саросима уйғотиш хусусиятига эга эканлигини тан олмай илож йўқ.

Агар ёлғон маълумот тарқатиш нормал ҳолатга айлansa, одамлар ҳақиқат ва ёлғонни фарқлай олмайдиган даражага келиб қолади. Бу эса жамиятда ахборот саводхонлигини пасайтиради. Ахборот маданиятининг етишмаслиги — келажакдаги катта муаммоларга замин яратиши ҳам табиий ҳол.

Бунинг ҳуқуқий оқибатлари ҳам ҳам борлигини эътибордан четда қолмаслиги керак. Кўпчилик яхши билади, ёлғон ахборот тарқатиш қонунан жавобгарликка сабаб бўлади. Хусусан, тухмат, ҳақорат, ёлғон хабар тарқатиш каби ҳолатлар учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу билан блогер фақат ўз обрўсини эмас, балки эркинлиги ва ҳавфсизлигини ҳам хавф остига қўяди.

Ахборот тарқатиш аслида катта масъулиятдир! Бизга

Анча вақтдан буён кўришмаган бир танишим, аниқроғи, олдинги ишим бўйича ҳамкасбимни учратиб қолдим. Салом-аликдан кейин у менга дабдурустан:

– Ўзингизни тоза чарчатиб қўйибсиз-ку, сочлар ҳам оқариб кетибди, рангингиз ҳам сарғайган, соғлиқ жойидами, – деди.
– Ҳа, яхшиман. Худога шукр, соғлигимдан шикоятим йўқ, ҳа энди сочга келсак, у оқараверади-да, – дедим.

– Давлатнинг ишини деб, бунча ўзингизни кийнаманг, бари-бир одамларни рози қилиб бўлмайди. Олдинги ишингиз тинч эди, маза қилиб юргандингиз.

– Энди ака, биз бир аскармиз, иш танламаймиз, ватан, эл-юрт олдидаги бурчимиз, қаерда ишлаш айтилса, қўлимиздан келганича ишлаб кетаверамиз.

– Одам дунёга бир марта келади, ўзи учун ҳам яшаш керакку, ўзингизни бунча уринтирганингиз билан одамлар қадрингизга етмайди. Қилган яхшиликларингизни эртасигаёқ унутишади, кетганингиздан кейин “темболе”- деди тиржайганича.

– Майли, қўйинг бу гапларни, ўзингизда нима гаплар, - дейман.

– Шу десангиз, олдингизга бир масала бўйича келгандим, - деди-да, муаммосини айтди.

– Ана энди айтинг, мана сиз ҳозир менинг олдимга бир масала қўйяпсиз. Агар мен ўз ҳаловатимни ўйлаб, сизга ўхшаш одамлар қўяётган масала ва муаммолар ечимини орқага сураверсам, ё умуман бефарқ бўлсам, қандай бўлади.

– Ҳа энди менинг масаламга бефарқ бўлмангда, - дейди яна ғалати иржайиб.

У киши қўйган муаммони тегишли масъуллар билан муҳокама қилиб, ечимига киришадиган бўлди-да, хайрлашдик.

Қабулимизга яшаш шароити ва ижтимоий ҳолати анча оғир бўлган одамлар мурожаат қилиб келишади. Хўп, агар мен ўз тинчимни ўйласам, бефарқ бўлиб, уларнинг муаммоларига яқиндан киришмасам, нима бўлади. Мен семириб, сочларим тимқора бўлиб юрсам-у, қўнғиротлик ўн уч яшар инсулт олган қизалоқ касал бўлиб ётаверса, мен роҳатда бўлсам-да, каттақишлоқлик ногирон опаларим ох

чекиб ётишса, мен иссиққина уйда оила билан ўтирсам, лекин кимнингдир ўғли, отаси ёки яқин қариндоши Россиялик ўрисни шалтоғини тозалаб юрса, мен равон асфальтланган кўча-



лардан юрсам, болаларим яхши боғча ва мактабларга боришса, яқинларим энг олд санаторий ва шифохоналарда соғлиқларини тиклашса-да, халқ учун бундай шароитлар ташкил қилинмаса. Боғча ва мактаблар, шифохоналарда шароит бўлмаса, газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотида бизга боғлиқ бўлган муаммолар қалашиб ётаверса, қишлоқхўжалигига янги технологиялар киритмасак, ҳалиям шу пахта ва ғалла деб юраверсак, хомашё етиштирсак-да тайёрини бошқа давлатлардан сотиб олаверсак. Хуллас жуда кўп ва хўп ишлаш керак.

Агар шуларни ўйламасак, режалар тузиб, ишларни ташкил қилмасак, қачон келажаги буюк давлат бўламиз, қа-

чон янги Ўзбекистон кураимиз, учинчи ренессанс пойдевори нима бўлади.

Кўчаларда, маҳаллаларда оддий-оддий кишилар билан суҳбатлашаман, уларни йўл-йўлакай мошинамга миндираман ва йўналишим бўйича манзилларига олиб бораман. Шунингдек, кун ва туннинг исталган вақтида улар томонидан бўлаётган қўнғиротларга жавоб бераман. Кўпинча мени ёнимдагилар “... сиз шулар билан ҳам гаплашасиз-ми” маъносида гап қилишади. Ҳа азизлар! Нафақат мен, балки ҳаммамиз гаплашишимиз, уларни эшитишимиз, барча муаммоларини ҳал этол-

масак-да, ҳеч бўлмаса, тўғри йўл ва маслаҳат кўрсатишимиз лозим. Ҳаёт қисқа, умр ўткинчи, биз бир-биримизга биродармиз. Бирон-бир сафарга отлансак, бир неча кун ҳозирлик кўраимиз ва сафар жомадон (багаж) имизни тайёрлаймиз. Хўш, биз сочимизни қоралигини, жасадимизнинг семиришини ўйлаб юраверсак, охират сафаримиз жомадони нима бўлади, унга тайёригимиз, зеро у сўрамасдан, айтмасдан келади-ку...

“Кўчамизга қатик сотувчи келди. Коляскада чақалоқ, ёнида 5-6 ёшлардаги қизчаси. Бонкалар коляска тагига жойлаштирилган. Бир бонка қатик беш мин сўм экан. Шу пайт онаси ҳам,

қизча ҳам қўшниларики дарвозасини тақиллатгани кетишди. Секин билдирмай коляска чўнтагига ўн минг сўм солдим. Кейин бир бонка қатик олиб, қизчанинг қўлига беш минг бердим.

Эртасига улар яна келишди. Мабо-до сиз адашиб пул бермадингизми, ҳисоб-китобимиздан ўн минг сўм ортиқча чиқяпти дейишди.

Титраб кетдим.

Дунёни гўзаллик эмас, ҳалоллик қутқарса керак...”

Қадрдонларимдан бирининг китобидан айнан шу жойини ўқиб ўтирганимда, қабулимга фалончи “пистончи-евич”нинг номидан келган бир киши кирмоқчилигини айтишди.

Кирди. Пўрим кийинган, ярим ўрисча, чала ўзбекча қилиб гапиради-ган, “валломати замон” экан. Унинг маълум қилишича, агар мен унга боғчаларимизда тарбия қилинаётган болажонларимиз учун етказиб берилаётган турли озиқ-овқат маҳсулотлари таъминотини ишониб топширсам, жуда яхши бўлар ва мен ҳам куруқ қолмас эканман.

– Буни қандай иложи бор. Биринчидан, таъминотчилар тендер орқали танланади, иккинчидан маҳсулотларнинг нархи, миқдори аниқ бўлса, қандай қилиб бу айтилаётган нарсаларни удалаш мумкин, – дейман ўзимни гўёки тушунмаган киши қилиб.

– Сиз РайОНОга топшириқ берсангиз бўлди, қолгани бизни ишимиз, – дейди учарбой қўлини кўксига қўйганича, тавозе билан.

– Оғайни, мен ҳозир мана шу китобдан бир кичкина ҳикояча ўқийман, хулоса қиламиз, – дедим-да, юқоридаги қатрани ўқиб бердим. Ўқиб бўлдим-у унинг кўзларига тикилдим. У кўзини олиб қочди ва ранги бўзарди. “Ҳар ҳолда ҳали виждони бор экан” ўйлайман.

– Энди оғайни суҳбатимиз тугади, “битим” имзоланмади, – дедим чиқиш эшиги томон ишора қилиб.

У шу кетганича қайтиб келмади. Келолмайдиямда...

Қаюм СОБИРОВ,
Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси
аъзоси

Устозларимиз ана шундай деб ўргатишган.

Блогер бўлиш – бу факат кузатувчилар сони билан эмас, балки масъулият билан ўлчанадиган вазифадир. Ҳар қандай маълумотни тарқатишдан олдин унинг ҳақиқийлигини текшириш керак. Ахборот тарқатувчи ҳар бир инсон (Постларни улашаётганлар ҳам) жамият олдида масъул эканини унутмаслиги зарур.

Аслида, айрим блогерлар ўз исм – фамилияларини ҳам тўғри ёзолмайди, бундайларнинг жуда кўпини шахсан танийман. Видео олади, тармоққа жойлайди ёки ёдлаган сўзларини тўтиқушдай такрорлайди. Баъзиларининг видео остига ёзган жумлаларини тушуниб ҳам бўлмайди.

Мамлакатимизда блогерлик соҳаси – ҳали тўлалигича тартибга солинмаган майдон. Блогерлик - бугунги кунда жамиятга таъсир ўтказиш борасида анъанавий ОАВга тенглашиб бораётган, балки айрим ҳолларда ундан ҳам таъсирлироқ кучга айланмоқда. Шу билан бирга, бу соҳадаги ҳукуқий асослар, этик меъёрлар ва масъулият масалалари ҳали тўлиқ шаклланмаган.

Жамиятимизда блогерларнинг танқидий фаолиятига эҳтиёж катта. Бироқ уларнинг фаолияти устидан ҳаддан ташқари

назорат ёки таъкиб мувозанатни бузиши мумкин. Шунингдек, меъёрий ҳужжатлар билан чекланмаган фаолият, баъзи блогерлар томонидан суиистеъмол қилинаётган ҳолатлар ҳам бор. Ижтимоий тармоқларда “лайк”, “просмотр” ва шов-шув учун фейк контент ёки қўпол танқид тарқатиш ҳолатлари ҳаддан зиёд кўпайган.

Ўзбекистонда блогерлик сўз эркинлиги, фуқаролик жамияти ва ахборот макони ривожига муҳим роль ўйнайди. Лекин бу фаолиятни тартибга солиш, ривожлантириш ва муҳофаза қилиш учун тизимли ёндашув талаб этилади. Сўз эркинлиги ва жавобгарлик ўртасидаги мувозанатни топиш - замонавий ахборотлашган жамиятининг асосий вазифаларидан биридир.

Мен жиянимга шуларни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Лекин тушундими, йўқми билмайман! Буни вақт кўрсатади...

Аксарият ёшлар осон пул топишни ва тезда машҳур бўлишни истади. Илм олиш улар учун машаққатли меҳнат – улар ҳаракатлари самарасини тезда кўришлари керак.

Нима дедингиз?

Гулчехра БЕРДИЁРОВА,
журналист



Ёшлик завқ, шиддати жўшқин дарёга қиёсланади. Асов дарё пўртаналар ҳосил қилганча, йўлда учрайдиган ҳар қандай ғовни суриб кетишга қодир бўлганидек, ёшликдаги куч-ғайрат ҳам не-не ишларни бажаришга ундайди, кишини. Бироқ умрини бесамар, мазмунсиз ўтказайтганлар ҳам учраб турибди.

Суд залида ҳозир бўлганларнинг айримлари панжара ортида ўтирган 26 ёшли йигитга ачиниш билан термулса, бошқаларининг нигоҳида нафрат учқунлари чакнайди. Биринчи тарафдагилар унинг ёш умри хазон бўлаётганига ачинса, бошқалар эса шу ёшда бир эмас, бир нечта киноятга қўл ургани учун унга ғазаб билан қарашди.

Афсуски, энди вақтни ортга қайтаришнинг иложи йўқ. С.Т. 20 ёшида жиноятга қўл урган

Жиноят ва жазо

эди. Бироқ у хулоса чиқармади. Ёшликнинг куч-ғайратидан унумли фойдаланишни ўзига эп кўрмади. Шу йил 24 январь кун Шота Руставели кўчасида автомашина ичида бўлган жабранувчи қизга тегишли 2.000.000 сўмлик телефон аппарати, 5.000.000 сўмлик ноутбук ҳамда бир дона 100.000 сўмлик ноутбук сумкасини қаровсиз қолдирилганлигидан фойдаланиб, яширин равишда ўғирлаб воқеа жойидан яширинган.

– Аслида, бу қизга уйланмоқчи бўлиб учрашган эдим, – деди судланувчи С.Т. – Бироқ қизнинг ота-онаси рад жавоб беришди. Шундан сўнг у билан гаплашиб олмоқчи бўлдим. Биз учрашдик. Таксига ўтириб кетаётганимизда қиз Шота Руставели кўчасига келганимизда ҳужжатларидан нусха олиш мақсадида ҳайдовчидан машинани тўхтатишни сўради. Қиз нусха олиш учун дўконга кириб кетганлигидан фойдаланиб, унинг машина ичида қолдирилган телефон ва ноутбукни ўғирладим. Телефонни номаълум шахсга 630.000 сўмга, ноутбукни эса 1.000.000 сўмга сотдим. Энди бошқа ўғирлик қилмайман. Енгилроқ жазо беришингизни сўрайман.

Суд судланувчига жазо тайинлашда айбига иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги ҳамда бошқа жиҳатларни эътиборга олди. Ўғрилиқни “қасб” қилган С.Т. 4 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум этилди. У жазони қаттиқ тартибли колонияда ўташи белгиланди.

Азимжон ҲАКИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яққасарой туман
судининг судьяси

“... – Энди нима қилмоқчисан?”

– Энди... Ким билади дейсан... Ховлини сотсаммикан, деб турибман.

– Нима-а?!

– Ҳа? Бошқа иложи йўқ. Эрталаб ховлига савдо киради. Соат ўнга обормасам, мени ўлди деяверларинг.

Келин қайнонага, қайнона келинга ялт этиб қаради ва бир-бирининг кўзидаги қўрқувни кўриб, ҳар иккиси Исломбойга нажот билан мўлтираб, йиғига ҳозирланди. Исломбой кафтларини муштлаганча қизил якандозга таяниб:

– Хўш? – дея укасини таъқибга олди.

– Нима “хўш” – Ўринбойга бу савол ниҳоятда малол келди.

– Кейин-чи?

– Нима “кейин”?

– Э, бунча талмовсирайсан?! Ё биратўла эс-ҳушингдан ҳам айрилганмисан? Хўп, уйиниям сотарсан, кейин нима қиласан, деяпман? Қиш чиллада бир этак чурвақанг билан қаерга сизгасан?...

Ўринбой акасининг жаҳлида қолишмайдиган бир газаб билан жавоб қилди:

– Юрагинг чиқмасин, ҳалиям сенаникага бормаيمان, қўрқма...”

Ушбу парча бугунги кунда яна долзарб, қалтис тус олган мавзу моҳиятини очиб берган, ёзувчи Хайридин Султоновнинг машҳур “Ё, Жамшид” ҳикоясидан олинган. Китоб ўқишга эринадиган бугунги авлод, ҳеч бўлмаса, шу асар асосида тайёрланган “Чангак” видеофильмини кўрган чикар.

Ҳа, бу залолатли, охир-оқибат хонавайрон бўлишга, ҳатто ҳаёти фожиали якун топиши мумкин бўлган кимор ҳақида.

Шиддатли ўзгаришлар бухронида бугун унинг шакллари, номланиши, изоҳланиши ҳам ўзгарган. Улар энди замонавийлашиб, янги компьютер технологиялари ёрдамида онлайн ва яна алламбало кўринишлари пайдо бўлган. Энди тўғридан-тўғри кимор эмас, таваккалчилик, тасодифга асосланган ўйин, дея юмшоқ тарзда тушунтиради унинг ташкилотчилари. Ҳатто, “омад”, “бахт” дея олқишлашади ғолибларни. Ваҳоланки, мантиқан олганда ўртага пул ёки моддий бойлик тикиладиган ҳар қандай ўйин кимор саналади. Бунда асосий қизиқиш ўйин жараёнига эмас, унинг натижасига – ютуқни олишга йўналтирилган – манипуляция.

Ҳозир букмекерлик идораси деган ташкилот фаолият юритади. Уни хорижий манбаларда профессионал баҳслашувчилар ўртасида асосан спорт ўйинлари натижаларини олдиндан башорат қилишга қаратилган ошкора ва лицезияга эга бизнес деб изоҳлашмоқда.

“Қарамлик” патологияси

Тиббиёт илмида “патология” деган атама мавжуд. У касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизмлари, жумладан хасталикнинг тана аъзолари ва ҳу-

тиклайди” қўяди. Яъни, яна ва яна “ғалаба” қилиш, пулни кўпайтиришга ундайдиган механизм ишга тушади. Бу механизда тормоз деган нарса умуман бўлмайди. Ютқизиш босқичида эса негатив, аламли ҳиссиётларни бошдан кечиришига қарамай ўша йўқотганини қайтариб олиш истаги ловуллаб, ҳар қандай йўл билан ўйинни давом эттиришга тушиб кетади: ёнидагилардан қарз олиш, керак бўлса уй-жойни гаровга қўйиш каби жуда хавфли

олинса, фожиа юки ва қамрови янада оғир тус олади.

Лудомания хасталиги

Қимор ўйинларига қарамликни “лудомания” деб номлашган ва уни гиёҳвандликдек даҳшатли хасталик билан қиёслашмоқда. Уни бирор тиббий операция, дори-дармон билан даволаб бўлмайди. Шу маънода бунга қарши қонун ва жазо борлигини англатишдан ҳам аввал оилада болаликдан бериладиган таълим-тарбия, жамиятда соғлом тафаккур устувор бўлмоғи шарт эканлигини тан олишимиз зарур. Тиббиётдаги содда ва қадимги ибора билан айтганда: “Касалликни даволашдан кўра унинг олдини олиш самаралироқ”. Зотан киморга қарамликка чалинган одам бу каби ўйинга бўлган интилишини, оқибатларини умуман назорат қилолмайди. Лудомания таъсири шахснинг оилавий муносабатларини издан чиқариб, ўқиш ёки касб фаолиятининг нурашига сабабчи бўлиши тайин.

Шу ўринда ким-кимлар (айниқса ёш авлод) бундай жиноят қилгани, ўз жонига қасд қилгани борасидаги факт ва рақамларни келтиришдан кўра, юқорида эслатган ҳикоянинг якунидаги ҳолатни келтириб ўтиш маъқулроқдек кўринди:

“...Қасос, лаззатли қасос туйғуси унинг юрак-бағрини ўртаб борарди.

Қани энди, ҳозир, шу лаҳза, шу дақиқа қўлида даста-даста пул бўлсаю тўғри акасининг уйига бостириб борса, қўйнидан даста-даста пул олиб олдига ташласа, бўзрайган юзига даста-даста пул билан бир тушириб: “Пул топилади!” десаю жисми жаҳонини ёндираётган алангаи оташдан қутулса!


Қасос, лаззатли қасос!..

Бирдан у ўзини идора қилолмай қолди: қўллари бўйсунмай олға чўзилди, қайноқ қон вижир-вижир тўлқин уриб, томирлари бўйлаб югура кетди. Ошиқни кафтига олиб маҳкам чангаллади, нафасини ичига ютиб, кўзларини чирт юмди:

– Ё, Жамшид!”

Машҳур ҳикоянинг видеофильм вариантыдаги манзара: Қиморга ютқазган жуда катта пулни тонгга қадар қавм-қариндошлари ўртада тўплаб беришади. Афсуски, Ўринбой қандай қилиб яна ошиқ ўйнаб аввалгиданда катта пулни ютқазиб қўйганини билмай қолади. У ховлига чиқиб ўзини осадди, киморга ютқазиб қиморбозлар қулига айланган бошқа бир одам уйни ёкиб юборади... Бу энди шунчаки ҳикоя эмас, бугун атрофимизда учраётган ва урчиб бораётган фожиа.

Рустам БОЙТЎРА,
журналист



жайраларда келтириб чиқарадиган ўзгаришларни, оқибатларни ўрганади. Муаммонин ўрганиш учун “азарт (кимор) ўйинлар”га ҳам шу нуқтаи назардан кўз ташлаш мумкин.

Қимор ўйинлари турли салбий оқибатларга, хусусан, катта молиявий зарар етказиб, кўпчилик билан муносабатлар бузилишига, саломатлик борасида ҳам жисмоний, ҳам руҳий жихатдан муаммолар юзага келишига сабабчи бўлади. Шаклидан, номланишидан қатъий назар бундай ўйинлар иштирок этаётганлар учун ҳам, жамият учун ҳам оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Бу хилдаги ўйинларга мунтазам берилиш унга бўлган қарамликнинг кучайиши, катта миқдорда қарзга ботиш, оилада муҳитнинг инқироzi, яқинлар билан муносабатлар салбий тус олиши, касбга нисбатан қизиқишнинг кескин пасайишига олиб келади, деб тушунтиради мутахассислар. Психотерапевтлар пул билан боғлиқ ўйинларни ютиш, ютқизиш, телбаларча қадам ташлаш, умидсизлик каби босқичларга бўлиб ўрганишганини ўқиб қолдим.

Ютиш – бунда қиморда иштирок этаётган одам ғалаба таъмини таътиб, осон йўл билан пулга эришиш ҳиссини туяди, деб изоҳланган мазкур манбада. Ҳатто оз миқдордаги ютуқ ҳам ҳиссиётларни баттар “қи-

қадамлар ташлаб бошлайди. Айни шу телбаларча қадамлар бошланганда руҳиятда туб бузилиш пайдо бўлади, жарлик сари етаклайди. “Хаста” иштирокчи навбатдаги ганақ (гаровга тикладиган пул) топиш учун ўғирликка, бошқа бир жиноятга, ҳатто қотиллика ҳам бориш эҳтимоли жуда катта бўлади. Қарамликнинг охирги босқичи – умидсизлик бўлиб, руҳиятда поракандаликни юзага келтиради. Энди унда хотиржамлик ва хурсандчилик ҳиссини пайдо қиладиган омиллар қолмайди. Қизиғи шундаки, ўйин натижасидан жуда ҳафсаласи пир бўлсада ўзини тўхтата олмайди. Энг ёмони, ўз жонига қасд қилишни келтириб чиқариши мумкин. Оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқларда қанча ёшлар шундай фожеаги дуч келгани ҳақида ёзишди ва хабар беришда давом этаётир.

Манбаларда таъкидланишича, шундай ўйинлар туфайли бир йилда тахминан 300 миллион доллардан 1 миллиард долларгача маблағ республикамиздан чет элларга чиқиб кетаяпти экан.

ОАВ, ижтимоий тармоқларда “1-Хвет” онлайн қимор ўйинига қўшилиб ўн, юз миллионлаб маблағларни ютқазиб қўйган инсонлар ҳақида хабарлар тарқалганидан хабардорсиз. Уларнинг асосий қисми фирибгарлик билан ўзлаштирилганлигини ҳисобга

Самарқанднинг Конирил мавзесида Амир Темур невараларининг тўй тантаналари учун қад ростлаган кўплаб чодирлар орасида иккитаси алоҳида ажралиб турарди. Чодирнинг атрофи, тепа қисмлари оқ ва камалак ранг матолардан тикилган бўлиб, кўзни қамаштирар, уни кўрган кишини беихтиёр ўзига мафтун қиларди. Испания элчиси Клавихо буни кўриб, ҳайратланади. Элчи беихтиёр “агар чодирнинг ташқи кўриниши шундай чиройли бўлса, ичкараси қандай безатилган экан?” деб юборади...



ЧОДИРДЎЗЛИК

АНЪАНАЛАРИ БАРҲАЁТ

Руи Гонсалес де Клавихо ўзининг “Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар” асарида шундай ёзади: “Тўй муносабати билан ўрнатилган чодирларнинг сони шунчалик кўп эдики, ҳатто, уларни санаб адоғига етиш қийин”.

Қадимий цивилизация бешикларида бири бўлган юртимизнинг ҳар бир гўшаси ўзига хос тарихга эга. Шаҳар ва қишлоқларимизда бой тарихимиздан далолат берган меъморий обидалар, кўҳна шаҳарларимиз халқимизнинг бекиёс бунёдкорлик салоҳиятининг кўзгусидир.

Мамлакатимизда халқ бадий хунарамандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган юксак эътибор самарасида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Қадимий анъаналаримиз замонавийлик билан уйғунлашиб, хунарамандчиликнинг янги турлари яратилмоқда.

– Самарқанд шаҳрининг жанубида Хаймар қишлоғи бор. Бу номнинг келиб чиқиши халқимиз миллий хунарамандчилигининг ноёб намуналаридан бири чодирдўзлик билан бевосита боғлиқ. Бу касб эгаларини қадимда “хаймачилар” (“хайма” сўзи араб тилида “чодир” маъносини англатади) деб аташган. Қишлоқ аҳли ўтмишда чодирдўзлик ҳунари билан шуғуллангани учун ҳам шундай ном олган, – дейди тарих фанлари номзоди Комилжон Раҳимов.

Чодирлар, илгари, асосан, ҳарбий юришларда дам олиш ётоғи, шаҳарлар атрофида ташкил қилинадиган катта-катта сайиллар ва тўй-томошаларда меҳмонлар учун енгил ва ихчам меҳмонхона, чўпонлар учун бошпана вазифасини ўтаган. Чодир кўчма уй ҳисобланиб, мавсумий олиб юриш ҳамда ўрнатиш учун жуда қулай бўлган.

Чодирлар шароит ва эҳтиёжга кўра,

ҳажми ва шакли жиҳатидан турлича бўлиб, асосан, маҳсул қалин бўз матодан тайёрланади. Айниқса, сафар чодирларининг матоси ниҳоятда пишиқ бўлиши, ҳарбий юришларда, узоқ ва машаққатли йўлларда, иссиқ ва совуққа, ёғин-сочинга бардош бериши инобатга олинган.

Асосан икки қисм – девор ва томдан иборат чодирлар тезда йиғиштириш ва тиклашга мўлжалланиб тайёрланган. Узоқ ҳудудларга бирга олиб юришга қулай бўлиши учун чодирдўзлар устунларни мустаҳкам ва енгил қоратол ёғочларидан тайёрлаган. Чодир деворларининг ташқи томони қалин бўз матодан тикилган. Ички томондан эса ясси ёй шаклидаги ингичка ёғоч устунлардан фойдаланилган. Ёғочлар силжиб кетмаслиги учун, атрофлари игна-ип билан тикилиб, тепа ва пастки қисмларига чарм ўрнатилиб, мустаҳкамланган.

Чодирнинг том қисми квадрат ёки думалоқ шаклда, бурчакларидан диогонал тарзда марказга тўртта ёғоч кегайлар ўрнатилган. Ўрта қисмига чармдан бириктирувчи мосламалар тикилган ва у тиргак вазифасини ҳам ўтаган. Чодир ўрнатилган жойида мустаҳкам туриши учун унинг тўрт бурчагидан арқон билан тортиб, ерга қоқилган қозиларга боғлаб қўйилган. Бунинг натижасида чодир бўрон ва шамолга дош берадиган мустаҳкам кўналғага айланган.

Айтиш жоизки, чодирларнинг ички бўз девори меҳроб шаклидаги безак композициялар, шойи, адрас, сурп матоларидан фойдаланиб, қуракчилик услубида нақшланган. Том қисми ҳам деворлардагидек қурак услубида безатилган. Аввало, безаклар чодирнинг ички кўринишини шоҳона ва бежирим кўрсатиб, инсон руҳиятига кўтаринкилик бахш этган.

– Тарихий манбаларда чодир билан боғлиқ кўп маълумотлар келтирилган,

– дейди шу ерлик тадбиркор Хуснидин Аслиев.

Масалан, “Зафарнома”, “Бобурнома” каби асарларда даврга хос бўлган чодирларни миниатюралар мусаввирлар чизиб қолдирган. 1887-1888 йилларда Марказий Осиёга саёхатга келган рус сайёҳи Л.Дмитрий-Кавказский “Чодир чиройли, тўртбурчак, ташқи томони тўқ яшил рангли канопа матоли, ички томонининг атрофи адрас (Бухорода тўқиладиган ярим шойи рангли газлама), нақш безакли, ёркин рангли, икки тарафидаги эшигидан шабада эсиб туради” деб ёзади. Ҳозирда ушбу ашёлар Санкт Петербург шаҳридаги давлат эрмижада сақланмоқда.

Мамлакатимизнинг кўплаб музейларида, жумладан, Ўзбекистон давлат санъат музейида XIX асрнинг 70-йилларига оид ноёб қимматли буюм – Бухоро миллий хунарамандчилик санъатига хос бўлган чодир сақланмоқда. Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси тасарруфидаги Ўзбекистон маданияти тарихи давлат музейида эса иккита – XVII аср охири XIX аср бошларига оид чодирлар мавжуд. Чодирларнинг ташқи бўз матоси яшилтоб рангда, интерьерлари тўласинча шойи, адрас мато қуракчилик билан зеб берилган.

Мухтасар айтганда, чодирдўзлик санъати – халқимизнинг бой ва бебаҳо маданий мероси, миллий хунарамандчилигининг ёркин намунаси. Юртимизда бугун ҳам чодирдўзлик билан шуғулланаётган чеварлар талайгина. Айниқса, ёз жазирасида чекка, тоғли ҳудудларга бориб қолгудек бўлсангиз, албатта, чодирга кириб, бир пастин олинг. Ана шунда аجدодларимизнинг ақл-заковатига, улар қолдирган бебаҳо мероснинг нечоғлиқ муҳим аҳамиятга эга эканига яна бир бор амин бўласиз.

Мирҳасан КИЧИБАЕВ,
Самарқанд туманидаги
22-умумий ўрта таълим мактаби
директори.

МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Таҳрир ҳайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Қамолитдин ИШАНХОДЖАЕВ
Даврон ВАҲОБОВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-710
Адади: 1600
Пайшанба кунини чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табак.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғлианиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

ЛИМОНЧИЛИК — ИСТИҚБОЛЛИ ВА СЕРДАРОМАД ТАРМОҚ

Сўнгги йилларда республикада лимончилик тармоғини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, лимонзорлар майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажминини кўпайтириш борасида изчил чоралар амалга оширилмоқда.

Жумладан, бу борада Президентимизнинг 2021 йил 3 августда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди.

Хужжат лимон кўчатларини етиштириш ва лимон етиштирувчи иссиқхона хўжаликларини ташкил

қон босими кўтарилганда, ошқозон-ичак касалликларида, подагра, атеросклероз, ўпка сили, нафас йўллари шомоллаганда, гепатит, бавосир, сийдик йўлларидаги тошларни эритишда, тана ҳароратини туширишда, бод касалликларини даволашда фойдаланилади. Лимоннинг ҳиди асабларни тинчлантириш хусусиятига эгадир. Бунда



биркорлар иштирок этди.

Учрашув давомида лимончилик соҳасининг бугунги ҳолати, инновацион тажрибалар ва янги лойиҳалар ҳақида сўз юритилди.

Каттакўрғон тумани ҳокими Жамшид Насритдинов ҳудуд иқтисодиётида лимончиликнинг ўрни ва аҳамиятини алоҳида таъкидлади.

“Туронбанк” Бошқарув Раиси ўринбосари Дилшод Рустамов эса фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳамкорлик лойиҳаларини йўлга қўйиш ва тадбиркорлар учун яратилаётган имкониятлар ҳақида маълумот берди.

Шунингдек, “Денов Агростар” МЧЖ раҳбари лимончилик соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан таништирди. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги вакиллари эса маҳсулотларни сертификатлаш тартиби ва расмийлаштириш жараёнлари ҳақида тушунтиришлар берди.

Тадбир давомида меҳмонлар иссиқхона ҳудудини кўздан кечириб амалий тавсияларга эга бўлиб ўзаро фикр алмашиш имкониятига эга бўлишди.

Мазкур учрашув лимончилик соҳаси вакиллари учун тажриба алмашиш, янги ҳамкорликларни йўлга қўйиш ва келгусидаги режаларни белгилашда муҳим майдон бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
журналист



етишни жадал ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини ошириш мақсадида қабул қилинган.

Булар бежиз эмас, албатта. Ли-



мон истиқболли ва сердаромад тармоқдир. Шу билан бирга, табиатнинг ушбу неъматини инсон саломатлиги учун кони фойда. Аввало, лимон табиий қон тозаловчи воситадир. Халқ табобатида ундан



у нафақат ижобий таъсир қилади, балки хавотир ҳамда тушқунлик ҳисси билан курашишга ҳам ёрдам беради.

Ана шу инobatга олинган ҳолда Каттакўрғон туманида “Маҳаллий маҳсулот – Миллий фахр: Лимончилар билан учрашув” тадбири ташкил этилди.

Тадбир “Қўшховуз” МЧЖ иссиқхонаси ҳудудида ўтказилиб, унда ҳокимият вакиллари, фермерлар, илмий мутахассислар ва тад-

